



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Ғофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Таиқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ғолипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Ўктамжон Абдуллаев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МУАММОСИ (1991-2010 ЙИЛЛАР).....	4
2. Собир Абдуназаров ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.....	10
3. Валишер Абиров, Исмоиддин Мамаюсупов ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК ҚАТЛАМЛАРИГА ДОИР.....	22
4. Акмал Базарбаев ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ЕРГА ДОИР СИЁСАТИ (1867-1900 ЙИЛЛАР).....	33
5. Ойбек Исаев СУРХОН ВОҲАСИГА ОИД ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1930й).....	40
6. Гулмира Каттаева ЛЯПИС–ЛАЗУРИТ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ.....	46
7. Nargiza Karimova ZIRAVORLAR VA MAHSUS TA’M BERUVCHI VOSITALAR SAVDOSINING RIVOJLANISH TARIXI HAQIDA BA’ZI MASALALAR.....	54
8. Дадахон Норқўзиёв МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	60
9. Мафтуна Рўзикулова МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	64
10. Махмуджон Солиев ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА.....	72
11. Наргиза Ҳасанова ОНАЛИК – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИНИНГ УЛКАН МАСЪУЛИЯТИ.....	76
12. Махпурат Хуббалиева БУДДА РОҲИБЛАРИНИНГ САЁҲАТНОМАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: VII – VIII АСРЛАР.....	85

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Каттаева Гулмира Чориевна,
Термиз давлат университети таянч докторанти

ЛЯПИС–ЛАЗУРИТ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ

For citation: Gulmira Kattaeva, LAPIS LAZULI SOURCES AND ITS DISTRIBUTION GEOGRAPHY. Look to the past. 2020, vol. 7, issue 3, pp.46-53

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-7-6>

АННОТАЦИЯ

Ляпис-лазурит тошининг қадимги маконларини ўрганиш Ўрта Осиё қадимги воҳаларининг Қадимги Шарқ цивилизациялари билан алоқалари тарихидаги энг муҳим илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Тадқиқотларга кўра, Афғонистондаги Бадахшон кони одатда ляпис-лазуритнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилган. Бироқ, бошқа лазурит конлари ҳам қадимги даврлардан бошлаб ишлатилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Ушбу мақолада мил. авв. IV минг йилликка оид Қадимги Шарқ цивилизацияси ёдгорликлари ва Сополли маданияти ёдгорликларидан топилган лазурит топилмаларининг таҳлили орқали, ляпис-лазуритнинг энг дастлабки ва ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлган конлари, шунингдек, ушбу конлардан қазиб олинган лазуритнинг тарқалиш географияси тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Ляпис-лазурит, материал, кон, лаъл, Афғонистон, Сар-е Санг, Бадахшон, Ложувард дара, Чағай, Шаҳдод, Шаҳр-и Сўхта, Сополли маданияти.

Каттаева Гулмира Чориевна,
базовый докторант(PhD)
Термезского государственного университета

ДРЕВНИЕ МЕСТОРОЖДЕНИЯ ЛЯПИС-ЛАЗУРИТА И ГЕОГРАФИЯ ЕГО РАСПРОСТРАНЕНИЕ

АННОТАЦИЯ

Изучение месторождений лазурита считается одним из приоритетных направлений в истории отношений древних Среднеазиатских оазисов с Ближневосточными очагами первых цивилизаций. Исследования показали, что Горный Бадахшан на территории современного Афганистана был основным месторождением ляпис-лазурита в древние времена. В статье на основе анализа артефактов, найденных из археологических памятников Сапаллинской культуры исследовано другие древние и сегодняшние месторождения ляпис-лазурита в территории Среднего Востока, а также распространение этого драгоценного минерала самых древних очагах цивилизации.

Ключевые слова: Ляпис-лазурит, Афганистан, Сар-е санг, Бадахшан, Лажуварддара, Чагай, Шахр-и Сохта, Сапаллинская культура.

Gulmira Kattaeva,
PhD student, Termez State University

LAPIS LAZULI SOURCES AND ITS DISTRIBUTION GEOGRAPHY

ABSTRACT

The study of the ancient sources of the lapis lazuli stone is one of the most important scientific directions in the history of the relations of the ancient oases of Central Asia with the Ancient Eastern civilizations.

According to researches, The Badakhshan deposits in Afghanistan are commonly considered as the main source of lapis lazuli in ancient times. However, other quarries could have possibly been exploited since antiquity. In this article, through the analysis of lazurite finds which was found from the monuments of Ancient Eastern civilization (IV millennium BC) and Sopulli culture (III-II millennium BC), It is provided information about the earliest and still existing deposits of lapis lazuli sources, as well as that the geography of distribution of lazurite which was mined from these deposits.

Index Terms: Lapis lazuli, Afghanistan, Sar-e-Sang, Badakhshan, Lyadzhuar Dara, Chagai Hills, Shahdad, Shahr-i Sokhta, Sapalli culture.

1. Долзарблиги:

Қадимги Шарқ мамлакатлари тарихий географиясини аниқлашда, шаҳарларнинг локализацияси масаласида, қадимги лаъл йўли йўналишларини белгилашда лаъл асосий манба эканлиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланган. Яқин кунларгача Афғонистондаги Бадахшон кони ляпис-лазуритнинг ягона асосий манбаи сифатида илмий адабиётларда ёритиб келинган эди. Аммо, сўнгги йилларда Қадимги Шарқ ёдгорликларидан топилаётган лаъл тошлари кимёвий таҳлил қилинмоқда. Масалан, Шаҳри Сўхта ёдгорлигидан топилган ложувард тошлар коллекциясининг кимёвий таркиби уч хил эканлиги маълум бўлди. Демак, бу ерга ложувардлар энг камида учта маъдан конларидан келтирилган. Минералогия фанида аниқланган сўнгги маълумотлар бўйича айтадиган бўлсак, ложувард маъдан кони Афғонистон (Сар-е Санг, Бадахшон), Лажувардара (Тожикистон), Сват водийси (Покистон), Малобистр, Слюдян (Россия), Лейк-Харбор (Канада), Карен (Чили), Иркутск (Евроосиёда Байкал кўли жануби, ҳозирги Сибир) ва Мағок (Мандалай худуди, ҳозирги Мьянма) яқинида жойлашган. Шаҳри Сўхта ёдгорлигига масофа жиҳатидан энг яқини Чагай тоғидир. Демак, ложувард кони фақат Бадахшонда бўлмаган. Шундай бўлгандан кейин, Бадахшондан бошланадиган ложувард йўллари йўналишларини ўйлаб кўриш, ложувардларнинг кимёвий таркиби аниқлангандан кейингина йўналишлар, йўллар тўғрисида гапириш лозим бўлади. Бу маълумотлар Бактриядан бошланадиган қадимги ложувард йўлларининг аҳамиятини зинҳор туширмайди, балки қадимги йўлларнинг тўғри йўналишларини аниқлашда ёрдам беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола тарихни ўрганишда умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, изчиллик ва ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, мил. авв. IV минг йилликка оид Қадимги Шарқ цивилизацияси ёдгорликлари ва Сополли маданияти ёдгорликларидан топилган лазурит топилмаларининг таҳлили орқали, ляпис-лазуритнинг энг дастлабки ва ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлган конлари, шунингдек, ушбу конлардан қазиб олинган лазуритнинг тарқалиш географияси тўғрисида маълумотлар илмий, қиёсий-мантиқий жиҳатдан таҳлил етилади. Мавзуни ёритишда хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ишлари ва археологик топилмаларга таянилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ляпис-лазурит - одатда кам учрайдиган геологик шароитда шаклландиган, жуда ўзгарувчан таркибга эга бўлган таркиби ўзгарган оҳактош ёки оҳактошли тоғ жинси бўлиб [29, Рр. 43-56], жуда жозибали ярим қимматбаҳо тошлардан биридир. Изотопи: $n = 1,502 - 1,505$ оралиғида, зичлиги $2,38 - 2,45 \text{ г/см}^3$ гача бўлади, юмшоқ минераллар қаторига киради [10, Б. 50]. Ўзига хос кўк ранги ва ноёблиги сабабли неолит давридан бери қимматбаҳо буюмлар ва тақинчоқлар (маржонлар, қимматбаҳо тошлар, муҳрлар, кичик безакли санъат асарлари ва бошқалар) ни ишлаб чиқаришда фойдаланилган [25, Р. 637-638; 6, Б. 290]. Неолит давридаги ляпис лазуритдан ясалган дастлабки тақинчоқлар Мехргар ёдгорлигидан топилган (23, Р. 137; 22, Р. 34).

Археологик тадқиқотлар давомида лазурит минералининг бинафша, тўқ кўк, мовий, “нил бўёғи”, яшил – кўк, сариқ рангидаги турлари учрайди [17, С. 89]. Ҳақиқий кўк ляпис-лазурит - лазуритнинг қимматбаҳо, чиройли ва ёруғлик ўтказмайдиган қимматбаҳо турларидан бири бўлиб, таркибида сода ва алюминий аралашмаси мавжуд бўлган. Қадимда у “салфир” сифатида маълум бўлган[21].

У юзага келиши мумкин бўлган геологик шароитларнинг нисбатан камлиги туфайли дунё бўйлаб ляпис лазуритнинг жуда кам манбалари мавжуд[38]. Беруний асарида Цейлон, Бирма, Сиам, Помир, Бадахшон ва Шуғнон каби жойларда лазурит конлари мавжуд эканлиги, Шуғнон Бадахшонда жойлашганлиги учун у ернинг лаъли “лаъли Бадахшон” деб аталишини айтиб ўтган[6, Б. 251]. Кўплаб бошқа хорижий илмий тадқиқот ишларида эса ушбу қимматбаҳо тошнинг асосий конлари Афғонистон (Сар-е Санг, Бадахшон), Лажувард дара (Тожикистон), Сват водийси (Покистон), Малобистр, Слюдян (Россия), Лейк-Харбор (Канада), Карен (Чили) да жойлашганлиги келтириб ўтилган[17, С. 89]. Ляпис лазуритнинг яна бошқа машҳур конлари Иркутск (Евроосиёда Байкал кўли жануби, ҳозирги Сибир) ва Мағок (Мандалай худуди, ҳозирги Мьянма) яқинида аниқланган[25, Р. 638; 24, Р. 2196; 38].

Бадахшон кони энг муҳим конлардан ҳисобланиб, Месопотамиядан 2414 км (1500 миля) узоқликда жойлашган. Ўз ичига ляпис – лазурит жойлашган бир қанча конларни қамраб олади: Сар-э Санг, Чилмак, Шаға-Дара-и Паскорам, Стромба [28, Р. 7). Булар ичида энг кўп ўрганилгани Сар-э Санг кони бўлиб, у ҳозирги кунда ҳам мавжуд лазурит конларидан биридир. Сар-э Санг, Бадахшон ляпис лазурит конлари Яқин Шарқнинг бронза даври ёдгорликларидан топилган лазурит буюмларининг асосий манбалари сифатида келтирилган. Турли замонавий технологиялар ёрдамида текширишлар натижасида Шаҳри Сўхта ва Тепаи Ҳисордаги лазуритнинг Сар-е Санг конидан олинган лазурит билан таркибий жиҳатдан бир-бирига ўхшаш эканлиги Жанубий Осиёда бронза давридаёқ ляпис-лазурит устахоналари бўлганлигидан далолат беради [36, Р. 89-99].

Ушбу конлардан қазиб олинган лазурит бир неча йўналишларда тарқалган: Жанубда, Дилмун ва Шумер портлари орқали Моҳенжо даро ва Хараппага, Жануби-ғарбда Ҳилманд цивилизациясининг марказлари томонга: Лутнинг чеккалари, Тепаи Яхё, Аншан ва Сузага, Ғарб томонда Эрон ясситоғлигининг шимолий ёнбағирларига (Тепаи Ҳисор, Сиалк, Шимолий Месопотамия ва Анатолия), Шимоли-ғарбда Жанубий Туркманистонгача борган [30, Р.19].

Бадахшондан 48 км (30 миля) узоқликда Афғонистондаги яна бошқа бир лазурит кони мавжуд бўлиб, бу Помир тоғлари ҳисобланади. Бу иккала кондан топилган лазурит тоши бир хил – очиқ кўк рангда. Помирдаги лапис лазурит конига кўп йиллар афсона сифатида қарашган. Бунинг сабаби лапис лазурит 16500 фут баландликда жойлашган, шунинг учун ҳам ундан кўп фойдаланилмаган. Бу тоғнинг олдида жойлашган дарёлардан бири бўлган Liadjuar-Daga “Ложувард дарёси” деган маънони англатади [40, Р. 680].

Байкал кўлининг жанубий-ғарбий қисмида Сиджанка дарёси водийсидаги ва Мағок (Мандалай худуди, ҳозирги Мьянма) каби лазурит конлари Месопотамиядан тахминан 6000 км (3000 миля) ва Мисрдан деярли 7000 км узоқликда жойлашганлиги сабабли кўп фойдаланилмаган ва бир нечта муаллифлар томонидан ляпис лазуритнинг қадимги манбалари таркибига киритилмаган [28, Р. 10; 25, Р.638; 27].

Тадқиқотчилар М. Тоси ва М. Пиперно Қадимги Шарқ ва Месопотамиянинг ғарбий шаҳарлари ўртасидаги ўзаро таъсирнинг кенг доирасини кучли омиллар орқали изоҳлаб берган. Жумладан, М. Тоси билан М. Пиперно лапис-лазурит учун шимолдан жанубгача “ишлаб чиқариш майдони” вазифасини Шимоли-ғарбий Ҳиндикуш, Бақтрия, Афғонистоннинг тоғли туманлари ва Белужистон; “воситачилик майдони” вазифасини Жанубий Туркменистон, Горган (Журжон), Шарқий Эрон платосининг марказий қисми, Сейстондан Дашти Лут ва Кермонгача бўлган ҳудудлари бажарганлиги, шунингдек, ғарбий “бозор майдони” вазифасини Загрос тоғларидан Месопотамиягача чўзилган ҳудудлар бажарганлиги: Сурия, Ғарбий кўрфаз, Ўрта Ер денгизи соҳиллари орқали ўтиб Мисрда тугаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишган [30, Р. 49].

Ўрта Осиёдаги энг дастлабки ляпис – лазурит топилмалари Жанубий Туркменистоннинг мил. авв. IV минг йилликка оид қишлоқ аҳоли манзилгоҳ ёдгорликларидан (Олтиндепе) топилган бўлиб, улар асосан муҳр ва маржонлардан иборат [11, С.64-65, табл. XX, XXI, XXII].

Эронда эса, ляпис – лазурит маҳсулотлари мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмидаги ёдгорликларидан топилган (Сиалк III). Мил. авв. IV-III минг йилликнинг охирларида Элам қабилаларининг кенгайиши билан Сиалк аҳоли пункти вайрон қилинади, улар “ляпис лазурит савдосини бошқариш учун шимол билан савдо йўлида муҳим мавқега эга бўлиб олади”. Элам (Суза) ва Месопотамия (Урук, Ур, Жемдат-Наср) даги ляпис – лазурит буюмлар ҳам айнан шу даврга тегишли. Аммо Убейд маданиятига тегишли ляпис-лазурит буюмлари, ушбу қимматбаҳо тошнинг Месопотамияга бундан ҳам олдин олиб борилган деган тахминга сабаб бўлмоқда.

Месопотамиянинг қадимги шаҳарларидан бири Ур ёдгорлигидан “Шумериан” номли қирол қабри очиб ўрганилганда, бу қабрдан ляпис лазуритдан ясалган 6000 дан зиёд кушлар, бугулар ва майда кемирувчиларнинг ҳайкаллари, шунингдек, лаганлар, маржонлар ва цилиндрсимон муҳрлар топилган. Бу буюмларнинг таркибий қисми кимёвий жиҳатдан таҳлил қилинганда, бу буюмларни яшашда ишлатилган ляпис лазурит Шимолий Афғонистонда жойлашган кондан олиб келингани маълум бўлди [21; 10, Б. 52]. Шунингдек, Урдаги Қатна қабристонидан ҳам 108 та ляпис лазуритдан ясалган ашёлар топилган. Улар орасида цилиндр ва бочка шаклидаги маржонлар ҳам мавжуд [39, Р. 242].

Эрон ҳудудининг бронза даври ёдгорликларидан топилган ляпис-лазуритдан ясалган тақинчоқлар сони ва тури жиҳатдан бошқа ҳудудларга қараганда етакчи ўринни эгаллайди. Бунинг асосий сабаби, бронза давридаёқ Эрон ҳудудидидаги Тепа Ҳисор ва Шаҳр-и Сўхтада ляпис-лазурит, феруза, халцедон ва бошқа қимматбаҳо тошлардан маржон ясайдиган алоҳида устахоналар мавжуд бўлган (Lapis lazuli bead making at Shahr-i Sokhta, 2017. P.86; Tosi, 1989). Қадимги Шарқда Эрон платоси аҳолиси икки асосий ролни бажарган. Биринчиси, Бадахшон лазурит буюмларининг Месопотамияга тарқалишида воситачилик роли бўлса (Шаҳри Сўхта), иккинчиси металл ёмбилари ва хлорит буюмлар экспортчиси (Тепа Яхё) ҳисобланишган [18, Б. 74; 30, Р. 49].

Тадқиқотчилар М. Видал ва А. Лаззари ҳаммуҳаррирлигида тайёрланган монографияда [30] Эрон ясситоғлигининг бронза даври ёдгорлиги бўлган Шаҳр-и Сўхтадаги янги қазишмалар, ляпис лазурит маржонли кўплаб қабрлар ва маржон яшашда ҳунармандчилик кўрсаткичлари, маржон яшаш технологияси ва шунингдек, Шаҳр-и Сўхтадан топилган ва Римдаги Миллий Шарқ санъати музейига ва археологик Тадқиқотлар ва Қазишма Марказида сақланаётган жами 765 та ляпис лазурит маржонларнинг ясашиш технологияси ва типологияси борасида қимматли маълумотлар берилган. Ушбу маржонлар тадқиқотчилар А. Лаззари ва М. Видале томонидан ясашиш шаклига қараб, қуйидаги типларга ажратилган [30, Р. 46]:

	Ляпис лазуритли маржон шакллари	Сони	Фоизи
	Цилиндрсимон	531	69.2%
	Бочка шаклидаги	30	3.9%

	Ромб шаклидаги	18	2.3%
	Диск шаклидаги	9	1.3%
	Тўртбурчак маржонлар	8	1.1%
	Биоконус	5	0.7%
	Хоч шаклидаги	3	0.4%
	Шокилалар	3	0.4%
	Ярим ой шаклидаги	1	0.1%
	Шакл тасвирланмаган	157	20.5%
	Жами:	765	99.9%

1-жадвал. Шаҳр-и Сўхтадан топилган ляпис-лазурит маржонларининг ясалиш шаклига кўра турлари

Ҳилманд цивилизациясининг яна бир ёдгорлиги бўлган Мундигак (Афғонистон) дан асосан цилиндрсимон ва диск шаклидаги лазурит маржонларнинг кўплаб намуналари топилганлиги, эҳтимол маржонларнинг ушбу шакллари Ҳилманд цивилизациясининг ўзига хос характерли белгисидан далолат бериши муаллифлар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилган [30, Р. 184].

Али Ҳакеми Шаҳдоддан топилган артефакт буюмларнинг Бақтрия ва Марғиёна худудидаги артефакт буюмларга ўхшашлигини фақатгина савдо алоқалари билан эмас, балки иқтисодий, ижтимоий ва диний жиҳатдан уйғунлашган интеграцион муҳит билан изоҳлайди [26, Р.123]. Бундан ташқари Шаҳдод ёдгорлиги жойлашган Дашти Лут водийси ғарбий минтақалар ва Шарқий Эрон, Ўрта Осиё билан боғловчи географик худуд ҳисобланади. Шунинг учун Шаҳдод манзилгоҳи Элам билан Белужистон, Марғиёна, Бақтрия ўртасида асосий савдо-алмашинув чегара пункти деб эътироф этилган ва ривожланган минтақалараро тизимда экспорт қилинаётган товарларни бошқа худудларга тарқатиш маркази бўлган [26, Р.659-660; 30, Р. 49; 18, Б. 74].

Шаҳдоддан топилган ляпис-лазурит буюмлар асосан маржон шодалари, билагузукларнинг қисмлари, мис ва бронза тўғноғичларнинг бош қисми ҳисобланади. Маржон шодаларидаги мунчоклар цилиндр, думалок, тўртбурчак, эллипс, биконик ва томчи шаклида ясалган [26, Р. 656].

М. Касанова Сузадан топилган, Париждаги Лувр музейида сақланаётган ляпис – лазурит маржонлар бўйича ишлаган бўлиб, музейда сақланаётган Сузадан топилган жами 276 та маржон ва маржон бўлақларини ясалиш шаклига қараб 21 та типга бўлиб, Шаҳр-и Сўхта, Мундигак, Саразм ва Олтинтепа билан аналогиясини келтирган [23, Р. 137-145].

Месопотамия ва Эрон ёдгорликларидан топилган лазуритдан ясалган тақинчоқлар тури таққосланганда, Эрон худудидаги ёдгорликларда мазкур маъдандан ясалган тайёр тақинчоқлар кам учраган. Жумладан, Ур ёдгорлигида лазуритдан ясалган 45 та турдаги тақинчоқ маълум бўлса, Эрон ёдгорликларида 3 та тур аниқланган, холос [31, Р. 56].

Ҳиндистон водийси ва Белужистондан ҳам Хараппа маданиятига (мил. авв. III м. й. иккинчи ярми ва II м. й. биринчи ярми) тегишли жуда кўплаб энг қадимги ляпис лазурит буюмлар топилган [15, С.3]. Қадимги Мисрда ляпис-лазурит мил. авв. IV минг йилликдан бошлаб шокила маржонлар, маржон мунчоклар, ва нақшли заргарлик буюмларини ясашда ишлатилган. Хусусан, Гиераконполь (Нехен) ва Абидос қабристонларидан жуда кўплаб ляпис лазуритдан ясалган артефакт буюмлар топилган [25, Р. 638].

Қадимги Шарқ цивилизацияси таркибидаги Сополли маданияти ёдгорликларидан ляпис–лазуритдан ясалган тақинчоқларнинг кўплаб турлари аниқланган бўлиб, уларни ўрганиш заргарлик санъати ва маданий алоқаларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса оч-кўк лазурит маржонларни ясашда кўп ишлатилган [2, С. 94].

Сополли маданияти аҳолиси ляпис-лазуритдан асосан маржонларни ясашда фойдаланган [4, С. 74]. Сополли маданиятининг дастлабки Сополли ва Жарқўтон босқичларида цилиндр, ромб, диск, бочка, овал, тўртбурчак, биконик ва хоч шаклидаги маржонларнинг катта қисми оч кўк рангли лазуритдан ясалган [2, С. 94; 4, С.76; 3, С. 20-21].

Ишлаб чиқариш шаклига кўра Сополли маданиятининг Кўзали, Мўлали, Бўстон босқичларига келиб, дастлабки даврдаги (Сополлитепа, Жарқўтон) маржон шаклларида ташқари катта ҳажмдаги томчисимон маржонлар пайдо бўлган [3, С. 25. Табл. XLV, 3,5,6,7,11; 20, Р. 48. Plate 19]. Хусусан, Бўстон VI дан 27 та, Мўлалидан 7 та [4, С. 88. Табл. LXVII] томчи шаклидаги маржонлар топилган. Ушбу босқичларга келиб нисбатан йирик ҳажмдаги томчисимон маржонлар пайдо бўлиши бевосита кўчманчи дашт қабилалари бўлган Сруб ва Андроново маданияти вакиллари билан боғлиқ [20]. Ушбу турдаги маржонлар ўхшашлари Шаҳдод [26], Ҳисор III [35, Plate LXIX], Дарнайчи [7, С. 77. Рис 66,2] ва Нурек [5, С. 46] каби ёдгорликлардан ҳам топилган.

Шимолий Афғонистон худудидаги Дашли маданияти Сополли маданиятига географик жиҳатдан энг яқин жойлашган бўлиб, Дашли I ва Дашли III қабрларидан топилган топилмалар Сополлитепадан топилган топилмалар билан жуда ўхшаш [2, С. 103; 4, С. 132]. Дашли маданиятига тегишли цилиндр, ромб, овал, доира, биконик шаклдаги маржон ва шокила маржонларнинг асосий қисми лазурит ва сердоликдан ясалган бўлиб, лазурит маржонлар ясалиш шакли жиҳатдан Сополлитепа маржонлари билан деярли бир хил [14, С. 59. табл. III,7].

Мурғоб воҳасининг Гонуртепа, Номозгоҳ V, Номозгоҳ VI каби ёдгорликларидан ляпис-лазуритдан ясалган маржон, шокила маржон, тумор, муҳр, тўғноғич каби тақинчоқлар топилган [12; 13; 33, Р. 118; 9, С. 274]. Ляпис - лазурит маржонлар БМАКнинг бошқа ёдгорликларига қараганда Гонуртепадан кўплаб топилган бўлиб, шакл жиҳатдан қуйидаги турларга бўлинади: ромб, айлана, бочка, юмалоқ ва цилиндр [33, Р. 115, fig. 207, 209-210; Р. 118, fig. 222; Р.120, fig. 227; Р. 123, fig. 240; Р. 151, fig. 29; 32, Р. 203. fig. 112; 16; 34]. Ёдгорликнинг 2900-қабридан 2 та маржон мунчоқлар шодаси аниқланган бўлиб, мунчоқларнинг 15 таси сердолик, 31 таси лазурит, 11 таси феруза ва 14 таси гипседан ясалган [33, Р. 118]. Шимолий Гонурнинг 3200-қабридан эса жами 200 та турли шаклдаги лазурит ва сердолик маржонлар топилган [9, С. 274. Рис. 33]. Шунингдек, Гонуртепанинг 1867-қабридан 2 та лазурит бошли тўғноғич топилган [33, Р. 88, fig. 98, 99].

Сополли маданияти билан турдош бўлган Зарафшон водийсининг бронза даври ёдгорликлари Замонбобо [8] Сиёб, Зарча Халифа, Жом, Сазағонсой, Оқсой, Тўсинсой, Тўғай ёдгорликларидаги қабрлардан ҳам ушбу маданиятига хос бўлган кўплаб ляпис-лазуритдан ясалган маржонлар топилган [1].

4. Хулоса:

Марказий Осиёда ўтган аср бошида ягона Бадахшон лазурит кони маълум эди. Илмий мақолаларда энг қадимги лазурит йўли ҳам шу кондан бошланган, деб эътироф этилган. Ушбу мақолада қайд этилганидек, ҳозирги кунда ўнлаб лазурит конлари аниқланди. Бу конларнинг ҳаммаси қадимги даврлардан буён маълум эди, деган фикрдан йироқмиз, аммо Қадимги Шарқ ва БМАК худудидаги археологик ёдгорликлардан топилаётган лазуритдан ясалган артефактлар ранглари билан ва кимёвий таркибининг хилма хиллиги уларнинг ҳар хил конлардан олинганлигини кўрсатмоқда. Археологик қазилар усуллари, моддий манбаларга илмий ёндашиш, информациялар олиш усуллари ривожланмоқда. Шундай экан, ҳар бир лазуритдан ясалган археологик артефактларнинг кимёвий таҳлиллари ўтказилиши шарт ва маконлар билан таққослаш ишлари олиб борилиши керак. Шундагина биз, лазурит йўллари ва уларнинг тармоқлари борасида янги фикр ва мулоҳазалар олишимиз мумкин, йўқса, лазурит йўли ҳақида қилган тадқиқотларимиз афсоналарга айланиб қолиши табиий ҳол.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аванесова Н.А. Зеравшанская группа памятников в контексте Бактрийско-Маргианского археологического комплекса // Археология Узбекистана, №2(19). Самарканд, 2019. –С. 23-54.
2. Аскарлов А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.
3. Аскарлов А., Абдуллаев Б. Джаркутан. Ташкент, 1983.
4. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент,

1977.

5. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993.
6. Беруний, Абу Райхон Китоб ал-Жамохир фи-Маърифат ал-Жавоҳир. Тошкент, 2017.
7. Виноградова Н.М., Кутимов Ю.Г. Погребальные памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане (могильники Гелота и Дарнайчи). М., 2018.-276 с.
8. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зерафшана. Ташкент, 1966.
9. Дубова Н.А. Могильник и царский некрополь на берегах Большого бассейна Северного Гонура // У истоков цивилизации. Сборник статей к 75-летию Виктора Ивановича Сарияниди. Москва, 2004. С. 254-281.
10. Каттаева Г.Ч. Лазурит манзилгоҳлари ҳақида янги маълумотлар // "Биринчи Президент И.А. Каримов даврида Ўзбекистонда тарих фанининг юксалиши» ЎЗР ФА Археологик тадқиқотлар институтида 2018 йил 25-26 январда ўтказилган Республика конференцияси материаллари. Самарканд, 2018. 50-54 бб.
11. Массон В.М. Алтын-депе. (Труды Южно-Туркменской археологической комплексной экспедиции. Т. XVIII). Л., 1981.
12. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. М.-Л., 1959. (МИА. № 73).
13. Массон В.М. Южная Туркмения в эпоху поздней бронзы // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.-Л., 1966. С. 176 – 179.
14. Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. Материалы Советско -Афганской экспедиции 1969—1974 гг. Москва, 1977.
15. Сарияниди В.И. О великом лазуритовом пути на древнем Востоке // КСИА. 1968. Вып. 114. С. 3-9.
16. Сарияниди В.И., Дубова Н.А., Самурский К.С. Сокровища древней Маргианы. Фотоальбом. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Старый сад, 2020. – 180 с.
17. Солодова О.П., Андреев Э.Д., Гранадчиков Б.Г. Определитель ювелирных и поделочных камней. М., 1985.
18. Хамидов О.А. Шимолий Бактриянинг Кучук I даврига оид митти ўғирча ва ўғирдасталари // Ўзбекистон археологияси. №1(18). Самарканд, 2019. 71-81-бетлар.
19. Шайдуллаев Ш. Б., Шайдуллаев А.Ш. (X)АРАЛИИ // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи журнали. 39-сон. Самарканд, 2015.
20. Avanesova N.A. Buston VI – the necropolis of fire - worshippers of preurban Bactria. Samarkand, 2016.
21. Bancroft P. Lapis Lazuli from Afghanistan. Sar-e Sang mine, Jurm, Afghanistan // Gem and Crystal Treasures. Western Enterprises/ Mineralogical Record, Fallbrook, CA. 1984. 488 p.
22. Barthelemy De Saizieu Blanche. Le Cimetière néolithique de Mehrgarh (Balouchistan pakistanaï): apport de l'analyse factorielle. In: Paléorient, 1990, vol. 16, n.1. pp. 23-43.
23. Casanova M. "Lapis lazuli beads in Susa and Central Asia: a preliminary study", in: South Asian Archaeology 1993, (Annales Academiae Scientiarum Fennicae ser. B, vol. 271), A. Parpola et P. Koskikallio (Ed.), Helsinki, Suomalainen Tiedekatemia, 1994, p. 137-145.
24. Favaro, M., Guastoni, A., Marini, F. et al. Characterization of lapis lazuli and corresponding purified pigments for a provenance study of ultramarine pigments used in works of art // Analytical and Bioanalytical Chemistry 402, 2195–2208 (2012). <https://doi.org/10.1007/s00216-011-5645-4>
25. Giudice, Alessandro Lo; Debora Angelici, Alessandro Re, Gianluca Gariani, Alessandro Borghi, Silvia Calusi, Lorenzo Giuntini, Mirko Massi, Lisa Castelli, Francesco Taccetti, Thomas Calligaro, Claire Pacheco, Quentin Lemasson, Laurent Pichon, Brice Moignard, Giovanni Pratesi & Maria Cristina Guidotti. Protocol for lapis lazuli provenance determination: evidence for an Afghan origin of the stones used for ancient carved artefacts kept at the Egyptian Museum of Florence (Italy). Archaeological and Anthropological Sciences, volume 9. 2017. P. 637-651.
26. Hakemi, Ali Shahdad. Archaeological Excavations of a Bronze Age Center in Iran. Reports and memoirs. Volume XXVII. IsMEO-ROME. 1997.

27. Herrmann G. Lapis Lazuli: The Early Phases of its Trade. *Iraq*, 30(1), 1968. 21-57. doi:10.2307/4199836.
28. Kelsey Michal Ajango. New thoughts on the trade of lapis lazuli in the Ancient Near East c. 3000 – 2000 b.c. Submitted to the Faculty of The Archaeological Studies Program Department of Sociology and Archaeology in partial fulfillment of the requirements for the degree of Bachelor of Arts. University of Wisconsin – La Crosse, 2010.P.47.
29. Kulke H. Die Lapislazuli-Lagerstätte Sare Sang (Badakshan). *Geologie, Entstehung, Kulturgeschichte und Bergbau. Afghanistan Journal I*, 1976. P.43-56.
30. Lapis lazuli bead making at Shahr-i Sokhta. Interpreting craft production in a urban community of the 3rd millennium BC . Vidale, M., Lazzari A. (Eds.). ROMA. ISMEO. 2017.
31. Potts D.T. Tepe Yahya and the End of the 4th Millenium on the Iranian Plateau – Le Plateau Iranien et l'Asie Centrale des origins a ia conquete islamique. - Paris, 1977.
32. Sarianidi V.I. Margush. *Mystery and Truth of the Great Culture*. Aşgabat, 2008.
33. Sarianidi V.I. *Necropolis of Gonur*. English translation by Inna Sarianidi. 2007.
34. Sarianidi Victor I., Dubova Nadezhda A., Samurskiy Kirill S. *Treasures of ancient Margiana*. Photoalbum. Second corrected and supplemented edition. – M.: Staryi Sad, 2020. – 180 p.
35. Schmidt E.F. *Excavations at Tepe Hissar*. Damgan. Philadelphia, 1937.
36. Tosi M., Vidale M. 4th Millennium BC Lapis Lazuli Working at Mehrgarh, Pakistan. In: *Paléorient*, 1990, vol. 16, n°2. pp. 89-99.
37. Tosi M. The Distribution of Industrial Debris on the Surface of Tappeh Hesar as an Indication of Activity Areas. In: Dyson, R. H. & Howard, S. M. (Eds.), *Tappe Hesar: Reports of the Restudy Project*, 1976, Casa editrice Le Lettere, Firenze, 1989.
38. Vaggelli, G., Es Sebar, L., Borghi, A. et al. Improvements to the analytical protocol of lapis lazuli provenance: First study on Myanmar rock samples. *Eur. Phys. J. Plus* 134, 104 (2019). <https://doi.org/10.1140/epjp/i2019-12523-4>
39. Zoeldfoeldi J. *Gemstones at Qatna Royal Tomb: Preliminary Report*. Interdisziplinäre Studien zur Königsgruft in Qatna, Edition: 1, Publisher: Harrassowitz Verlag, Editors: P. Pfälzner, 2011. Pp. 234-248.
40. Zöldföldi J, Kasztovszky Zs. Provenance study of Lapis Lazuli by non-destructive prompt gamma activation analysis (PGAA), in: Y. Maniatis (ed.): *ASMOSIA VII, The Study of Marble and Other Stones in Antiquity – Proceedings of the 7th International Conference of the Association for the Study of Marble and Other Stones in Antiquity*, BCH Suppl., 51, 2009. P. 677-691.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000